

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҚЧАЕВ ФАРРУХ ШАВКАТОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИ
ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Ақчаев Фаррух Шавкатович

Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари3

Ақчаев Фаррух Шавкатович

Святыни Джизакского оазиса23

Aqchayev Farrukh Shavkatovich

Sacred shrines of Jizzakh region43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АҚЧАЕВ ФАРРУХ ШАВКАТОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИ
ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Tar.365 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Адҳамжон Азимбоевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дониёров Алишер Худайбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Абдулахатов Нодирбек Ураимович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, ЎзР ФА Тарих институти, 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998) 71233-54-70; 71-233-73-19; факс: (998) 71-233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (998) 71-262-74-58; факс: (+998) 71-262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.Х. Дониёров

Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни Ғарб ва Шарқ цивилизациялари уйғунлашуви, халқларнинг миллий ўзлигини англаши ва локал маданиятларни сақлаб қолишга бўлган интилишни тобора долзарб масалага айлантирмоқда. Бу эса турли тарихий-этнографик минтақаларга хос бўлган этнохудудий хусусиятлар ва маданий мерос объектларини халқ маданиятининг феномени тарзида чуқур ўрганишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Жаҳон миқёсида маданий антропология ва этнология йўналишларида турли минтақалардаги тарихий, табиий ва маданият ёдгорликлари махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, зиёратгоҳларнинг турли этнослар, социум ва жамоалар маданиятида тутган ўрни, сакрал ҳудуд ва этноэкологик қўриқхона тарзида ҳамда туризм объекти сифатида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (WTO)га тегишли “Бутун жаҳон туризм ахлоқ кодекси”нинг “Диний, соғлиқни сақлаш, таълим, маданий ва тиллар алмашинуви мақсадларига қаратилган саёҳат туризмнинг рағбатлантирилиши лозим бўлган фойдали шакллари” тамойили ҳамда Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ISESCO) томонидан зиёрат туризмни ташкиллаштириш ва тарғиб қилиш борасидаги амалий ҳаракатлар бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон дунёнинг муҳим цивилизация бешикларидан бири сифатида, азалдан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келган. Бунда моддий ва маънавий бойликларнинг бўлаги ҳисобланган муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар халқнинг миллий бойлиги сифатида дунё маданиятининг муштарак қисмига айланган. “Ўзбекистон саёҳат ва зиёрат учун қулай мамлакат ҳисобланади. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топганлар. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта”¹. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикамиз ҳукумати томонидан ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бу борада 2019 йил 22 февраль куни Бухоро шаҳрида “Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум”²нинг ташкил қилиниши ушбу масала юзасидан олға ташланган қадам ҳисобланади.

Зиёратгоҳлар ва уларга оид маросимларни тарғиб қилиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ташкил қилиш ва тарихини ўрганиш маданий антропологиянинг долзарб вазифаларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистон этнология фанида Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини халқ мероси объекти ва анъанавий маданиятнинг таркибий қисми тарзида тадқиқ қилиш, улар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳам зиёратгоҳ ва қадамжолар билан боғлиқ қарашлар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь. 199 (6893)–сон.

² “Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум”.–Бухоро, 2019 йил 22 февраль. <https://www.gazeta.uz>.

ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларни комплекс тарихий-этнологик йўналишда мукамал ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”⁴ги, “Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁵ги, “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ, масжид ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”⁶ ги қарорлари, “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”⁷ги фармойиши ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда тадқиқот мавзусига бағишланган адабиётлар 4 гуруҳга бўлиб таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Жиззах воҳасидаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга доир илмий изланишлар архитектура, санъатшунослик, археология фанлари нуқтаи назаридан қисман ўрганилган бўлса-да, зиёратгоҳларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, ўтказиладиган маросимлар ва уларнинг минтақавий хусусиятлари этнологик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Мавзу тарихшунослиги диссертациянинг 1 боби 1- фаслида батафсил баён қилинган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Фармони// Халқ сўзи. 2018 йил, 17 апрель. 75-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори// www.lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли “Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. // www.lex.uz.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // www.lex.uz.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши // www.lex.uz.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг “Жиззах: тарих, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (қадимги, ўрта асрлар ва ҳозирги замон)” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах воҳасининг қадамжолари ва зиёратгоҳларини этнографик материаллар асосида уларнинг этнолокал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларига тарихий-этнографик тавсиф бериш ва уларнинг жамият маънавий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини таҳлил этиш;

зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросим ва урф-одатларда қадимий диний эътиқодлар ҳамда ислом динига хос жиҳатларни ўрганиш орқали улардаги маҳаллий хусусиятларни кўрсатиб бериш;

зиёратгоҳлар билан боғлиқ турли афсона ва ривоятлар асосида минтақага хос халқ оғзаки ижоди ҳамда халқона қарашларнинг локал хусусиятларини очиб бериш;

воҳа зиёратгоҳлардаги санитария-гигиеник ҳолат, эҳсонларни мақсадли сарфланиши, улардаги шарт-шароитлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Жиззах воҳасининг туристик имкониятларини ўрганиш, зиёратгоҳларнинг муҳим сайёҳлик объектлар сифатидаги ўрнини кўрсатиб бериш ва уларни IT технологиялари асосида тарғиб қилувчи замонавий материаллар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах воҳаси қадамжолари ва зиёратгоҳлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари, уларнинг шаклланиш тарихи, аҳолининг зиёрат билан боғлиқ тасаввурлари, зиёратгоҳларда ўтказилдаган урф-одат ва маросимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқийлик, қиёсий таҳлил, компаративистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқотда этносоциологик (кузатиш, интервью, анкета, социологик сўровнома) усули ҳам қўлланилди. Анкета ва социологик сўровномалар 2014–2018 йилларда Жиззах вилоятининг 12 та зиёратгоҳи (7 та туман бўйича)да 300 та зиёратчилар ўртасида ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини шаклланиши (*тарихий шахслар, табиат мўжизалари, ҳайвонларни муқаддаслаштириши*), жойлашуви (*тоғли, тоғ олди ва текислик*) ҳамда зиёратчиларнинг ижтимоий таркиби (*маълум касб эгалари, аёллар ва ёшлар*)га кўра таснифий хусусиятлари очиб берилган;

зиёратгоҳларда умумўзбек маданиятига хос жиҳатлар билан бирга худудий-локал маросимлар (*Пода қўшиши, Авлодлар учрашуви*), маросим

таомлари (*умоч оши, сутли ва сут аралаштириб тайёрланадиган таомлар*) ва турли атрибутларнинг структурал-семантик функциялари аниқланган;

воҳа қадамжо ва зиёратгоҳларидаги табиат объектлари (*булоқлар, дарахтлар, тош ва горлар ҳамда жониворлар*)ни ҳимоя қилиши билан боғлиқ мифологик қарашлар ва инончлар минтақада “этноэкологик кўрикхона” тарзидаги муносабатга сабаб бўлганлиги асослаб берилган;

Жиззах вилоятида жойлашган зиёратгоҳлар IT технологиялари асосида рақамлаштирилиб, уларнинг электрон базаси, харитаси ва мобил илова дастури яратилган ҳамда янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларига бағишланган “Shrines of Jizzakh” деб номланган мобиль илова дастури ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг №DGU 06559 рақамли гувоҳномаси олинди;

зиёратгоҳларга ташрифни амалга ошириш орқали ёшлар дунёқарашига зиёрат билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидаларини, диний бағрикенглик ва миллий анъаналарга содиқлик хислатларини сингдириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди;

воҳада зиёрат туризмини кенг тарғиб қилиш, ўрганилмаган маданий мерос объектларини давлат рўйхатига киритиш, минтақанинг туристик имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш юзасидан илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах воҳасида кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўплаб зиёратгоҳлар аниқланиб, этносоциологик жиҳатдан ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар Ўзбекистон зиёратгоҳлари тарихи ва зиёрат билан боғлиқ қарашларни ўрганишда ҳамда Жиззах воҳаси этнологиясини кенг миқёсда тарғиб этишда муҳим манбавий асос сифатида хизмат қилади. Қолаверса, диссертация натижаларидан Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришда, хусусан, Жиззах воҳаси зиёратгоҳларига оид нашрлар (китоблар, атласлар, илмий-оммабоп асарлар), махсус веб сайтлар ва янги туристик йўналишлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларининг тарихи, уларда мавжуд мақбара ва иншоотларнинг меъморий тузилиши, воҳадаги зиёратгоҳлар билан боғлиқ афсона ва ривоятларни ўрганиш бўйича амалга

оширилган этнографик тадқиқотлар асосида йиғилган маълумотлардан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди Жиззах вилоят муассасаси томонидан Жиззах воҳаси маданий мерос объектларига аҳолининг бўлган муносабатини шакллантириш мақсадида буклет, тарқатма материаллар ва фотоальбом тайёрлаш ҳамда худудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 2019 йил 8 октябрдаги №01-41сонли маълумотномаси). Бу натижалар маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида номоддий ва моддий маданиятга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга етказиш ва миллий меросни кенг миқёсда тарғиб қилишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларининг географик ўрни, уларнинг таснифи, зиёратгоҳларга номи берилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ҳамда ички туризмни ривожлантириш имкониятлари бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти худудий бўлими томонидан зиёрат туризми йўналишларини ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 18 октябрдаги №05-22/7654 сонли далолатномаси). Бу эса Жиззах вилоятида ташқи ва ички туризмни ривожлантириш, минтақада зиёрат туризми бўйича янги йўналишларни очилишига манбавий асос бўлган;

муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи, зиёратгоҳлар билан боғлиқ халқона қарашларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, воҳада зиёрат туризмни ташкил этиш имкониятларига оид маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Дунё бўйлаб” телеканали “Тафсилот” ва “Телесаёҳат” кўрсатувларининг Жиззах вилоятига бағишланган махсус сонларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Дунё бўйлаб” телеканали ДУКнинг 2019 йил 8 октябрдаги №08-14-406-сонли маълумотномаси). Бу илмий натижаларнинг қўлланилиши кенг жамоатчиликка Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари тарихи ҳамда уларда ўтказиладиган маросимлар билан боғлиқ маълумотларни етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (3 та республика ва 2 та хорижий журналлар) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот таркиби Кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ва таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Жиззах воҳаси муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларининг шаклланиш тарихи ва тавсифи”** деб номланган биринчи бобида тарихий манба ва адабиётларда мавзунинг ёритилиши, улар билан боғлиқ атамалар таҳлили ҳамда маҳаллий аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётида зиёратгоҳларнинг тутган ўрни, воҳадаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг умумий тавсифи ва таснифи ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобнинг *“Мавзунинг тарихишунослиги”* деб номланган биринчи параграфида мавжуд адабиётлар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил этилган:

1. *Қадимги даврдан XX аср бошларигача бўлган даврдаги асарларда Жиззах воҳаси ва зиёратгоҳлари тавсифи.* Уструшонанинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган ҳозирги Жиззах воҳасига IX–X асрларда яшаган араб тарихчи-географлари томонидан текис, чўлликларга туташ рустоқларга эга бўлган деҳқончилик воҳалари сифатида таъриф берилган. Ибн Ҳавқалнинг *“Китоб сурат ал-ард”* асарида Уструшонадаги бош шаҳар сифатида Бунжикат, ундан кейин эса Зомин тилга олинади⁸. Китобда Зоминдаги зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг *“Насабнома”*⁹ асарида Уструшона шаҳар ва қишлоқларидан етишиб чиққан Ал-Ховасий, Аз-Зоминий, Ал-Уструшаний, Ас-Санжуфиний, Аш-Шиблий, Ал-Можармий, Ан-Нужоникасий, Ал-Ёркасий, Ас-Собатий, Ал-Кабудий ва Ал-Худисарий каби бир қатор олимлар, шоирлар, муҳаддис ва фақиҳлар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Низомиддин Шомийнинг *“Зафарнома”* асарида Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи ва Малик работи (Малик ота зиёратгоҳи жойлашган худуд) ҳақида маълумотлар берилган¹⁰. Шарафуддин Али Яздийнинг *“Зафарнома”* асарида Дизак ва унинг атрофидаги Зомин, Йом, Хавос сингари кўрғон ва кентлар аҳолиси уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида ёзилган¹¹. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг *“Бобурнома”* асарида воҳа табиати, аҳолиси ҳамда зиёратгоҳлари билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

⁸ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолитдин.–Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011.–Б. 69.

⁹ Абу Саъд Абдулкарим Самъоний. Насабнома / Арабчадан Абдулғаффор Раззоқ таржимаси. 1–жилд. – Тошкент: Ҳилол, 2007. – Б. 134–200.

¹⁰ Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 68–70.

¹¹ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома.–Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 36, 54–55.

XIX аср охири XX аср бошларида В. Наливкин, В.Ф. Караваев, И.А. Кастанье, Н.Ликошин, П.С.Скварскийлар тадқиқотларининг баъзи ўринларида Жиззах воҳаси ва унга туташ бўлган минтақалардаги ёдгорликлар ҳақида маълумотлар берилган¹².

Умуман олганда, бу даврда яратилган кўплаб тадқиқотларда у ёки бу мавзу доирасида Жиззах воҳаси, Ўратепа ва Самарқандгача бўлган ҳудудлардаги туташ ёдгорликлар ҳақида, умумий тарзда бўлсада эътиборга молик мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, уларда кадамжо ва зиёратгоҳларга тарихий ёки ижтимоий объект сифатида муносабатда бўлинган.

2. *Совет даври тарихишунослигида зиёратгоҳлар таҳлили.* Жиззах вилояти зиёратгоҳлари, тарихий-маданий объектларини ўрганиш мақсадида XX асрнинг 20–30– йилларидан бошлаб Туркистон Халқ комиссарлиги ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жиззах уездларига уюштирилган махсус этнографик экспедицияда М. Андреев бошчилигидаги гуруҳ Жиззах ва Нурота атрофидаги зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар берган¹³. И. Зарубин бошчилигида эса Самарқанд вилояти уезд ва волостларига, Жиззах уездининг Фориш, Синтоб, Қоратош, Накрут, Боғдон, Тўсин волостларига этнографик экспедициялар уюштирилиб, муҳим маълумотлар тўпланган¹⁴.

XX аср ўрталарида Жиззах воҳаси тарихи ва моддий маданият ёдгорликлари Я. Гуломов, А. Муҳаммаджоновлар томонидан ўрганилган. Жумладан, улар томонидан 50–60-йилларда воҳадаги Қулписар ота, Дунётепа, Қалиятепа археологик ёдгорликлари билан бирга, Такатош қоятош суратлари ва Жиззах воҳасининг “Канпирак” девори тадқиқ қилинган¹⁵.

Н. Раҳмонов ва А. Умаралиевларнинг “Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари” асарида маданиятнинг барча компонентлари қатори, совет даврида Ўзбекистонда маданий ёдгорликлар, музейлар, тарихий кадамжоларнинг аҳволи, уларни совет тузуми талабларига мослаштирилишига оид умумий маълумотлар қайд қилинган¹⁶.

Бу даврда яратилган адабиётларда муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳларга бўлган муносабатда объектни “жисмонан” йўқ қилишга эмас, унга нисбатан халқнинг ғоявий қарашларини ўзгартиришга ҳаракат қилинганлигини кузатиш мумкин.

3. *Мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар.* Бу даврда воҳанинг этнографияси ва Жиззах шаҳрининг маҳаллалари тарихи бўйича бир қатор

¹² Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и настоящем. –Петербург, 1914; Кастанье И.А. Древности Ура-Тюбе и Шахристана //ПТКЛА. Год двенадцатый. Ташкент: 1915. –С.44., Скварский П.С. Несколько слов о древностях Шахристана // ПТКЛА.Ташкент: 1896. – С. 44.

¹³ Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 г. // Изв. Туркестанского отдела Русского географического общества. Т. XVII. – Ташкент: – 1924. – С. 121-140.

¹⁴ Зарубин И. Население Самаркандской области (Численность, этнографический состав и территориальное распределение). – Л.: Изд-во Акад. наук СССР, 1920. –32 с.

¹⁵ Гулямов Я. Кладбище Кулпи - Сар // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 2.– Ташкент: Фан, 1961. – С. 92-96.

¹⁶ Раҳмонов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 156-157.

илмий изланишлар амалга оширилган¹⁷. Хусусан, маҳаллий ўлкашунос Оға Бургутлининг “Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” номли рисоласида воҳа зиёратгоҳларининг шаклланиш тарихи илмий манбалар билан бир қаторда афсона ва ривоятлар асосида таҳлил этилган¹⁸.

Суюндик Мустафо Нуратой “Мунаввар қадамжолар” асарида Ўзбекистондаги қатор қадамжолар ва зиёратгоҳлар билан бир қаторда воҳадаги Саъд ибн Абу Ваққос ва Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳлари ҳақида маълумотлар берган¹⁹. Шунингдек, Б. Эралиев, М. Қораевларнинг рисоласида Ғаллаорол тумани Авлиё қишлоғидаги муқаддас қадамжого номи берилган Саъд ибн Абу Ваққоснинг шахсияти билан боғлиқ фикрлар баён қилинган²⁰.

Б. Эралиев бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари” (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) номли китобда Жиззах воҳасига мансуб қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотлар туманлар кесимида ўрганилган бўлиб, бунда кўпроқ зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маънавий хусусиятларига эътибор қаратилган²¹.

Мустақиллик йилларида бир қатор маҳаллий ўлкашуносларнинг ўз қишлоқлари, маҳаллалари ва бу ердаги зиёратгоҳлар тарихи ҳақида ёзган рисоалари чоп этилган²².

Истиклол йилларида яратилган адабиётларда зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларнинг шаклланиш тарихи, давлат томонидан маданий мерос объектларини қайта тиклаш ва уларнинг муҳофазасини ташкил қилиш борасида қабул қилинган қарорлар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

4. Хорижий адабиётлар. Жиззах воҳасининг Нуротага туташ қишлоқларидаги қатор зиёратгоҳлар ҳақида хорижлик олим А. Шевяков асарларида маълумотлар бериб ўтилган²³. Қирғизистонлик тадқиқотчилар А. Самаков ва Г. Айтпаевалар сўнгги йилларда зиёратгоҳлар ва қадамжоларни сакрал жойлар сифатида ҳудудларга тегишли маданиятни сақловчи локал кўриқхона тарзда талқин қилганлар²⁴.

¹⁷ Пардаев А. Жиззах беклиги - Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача): тар. фан. ном.... дис. – Тошкент: 2004. –156 б.

¹⁸ Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фан, 2008. –50 б.

¹⁹ Суюндик Мустафо Нуратой. Мунаввар қадамжолар . – Тошкент: Ноширлик ёғдуси, 2011. –83 б.

²⁰ Эралиев Б., Қораев М. Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – 63 б.

²¹ Эралиев Б. ва бошқалар. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари). IV китоб. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. –228 б.

²² Раҳмонов Т. Нарвоннома. – Гулистон: Зиё, 2009.–228 б.; Тиловов Т. Ғўбдин ва ғўбдинликлар ҳақида. – Тошкент: Янги нашр, 2015. –39 б.; Толипов Ф. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша қишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола). – Тошкент: Ниҳол, 2008. – 192б.; Нурматов Э. Қоплонли ота қадамжоси. –Жиззах: Сангзор, 2010. – 8 б.

²³ Шевяков А. О коренном населении Нуратинских гор и прилегающих районов (Материалы полевых исследований 1988 - 98 гг) // Восток. – 2000. – № 3. – С. 17-35; – № 4. – С. 19–33.

²⁴ Samakov A. & Berkes, F. Spiritual commons: sacred sites as core of community-conserved areas in Kyrgyzstan. International Journal of the Commons. 2017– 11(1). –P.422–444; Samakov A. Sacred sites: opportunity for improving biocultural conservation and governance in Ysyk-Köl Biosphere Reserve, Kyrgyz Republic.–2015; Gulnara Aitpayeva. Sacred sites of Ysyk-köl: spiritual pover, pilgrimage and art. Bishkek. Aigine Cultural Research Centre. 2009.–354 p.

Испаниялик олим Антонио Алонсо маҳаллий халқ орасида зиёрат, зиёратгоҳ ва қадамжо тушунчаларини таҳлил қилиб, зиёратгоҳларни нуфузига кўра таснифлашни амалга оширган²⁵.

Бундан ташқари, Н.Терлецкийнинг²⁶ зиёрат тушунчаси, зиёратгоҳлар семантикасига доир мулоҳазалари, С.Абашиннинг²⁷ авлиёлар култи билан боғлиқ илмий асосланган фикрлари, Т.Саксонов ва А.Сизрановнинг²⁸ зиёратгоҳлар ва уларни таснифлашга доир бир қатор илмий тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар, уларнинг асарларида илгари сурилган илмий ғоя ва қарашлар воҳа зиёратгоҳларини этнососоциологик ўрганишда қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мавзу тарихшунослигига кўра, ҳозиргача Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжоларини жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва зиёрат туризми жиҳатидан ўрганишга бағишланган яхлит тарихий-этнологик тадқиқот мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *“Қадамжо ва зиёратгоҳ тушунчаси ҳамда уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни”* деб номланиб, унда Жиззах воҳаси аҳолисининг зиёрат, зиёратгоҳлар ва қадамжолар тўғрисидаги тасаввурлари, уларнинг маҳаллий аҳоли кундалик турмуш тарзидаги ўрни, *“зиёрат”*, *“зиёратгоҳ”* ва *“қадамжо”* тушунчаларига изоҳ берилган.

Воҳа аҳолиси ҳаётида зиёратгоҳлар ва уларда бажариладиган удумларнинг тутган ўрнини аниқлаш мақсадида турли ракурсларда социологик тадқиқотлар ўтказилди. Қадамжоларнинг жамиятда бажарадиган вазифасига кўра зиёратчиларнинг нима мақсадда ташриф буюриши, келувчиларнинг гендер таркиби ва зиёрат қилинадиган жойларни танлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил асосида ўрганилди. Ўтказилган этнографик дала тадқиқотлари натижасида воҳа зиёратгоҳларининг аҳоли ижтимоий ҳаётидаги асосий функцияси маънавий эҳтиёжни қондириш ва саломатлик билан боғлиқ қийинчиликларни енгиллатиш воситаси бўлганлиги аниқланди.

²⁵ Antonio Alonso, Kalanov K. Sacred places and “Folk” Islam in Central Asia // Universidad CEU–San Pablo Institute for Humanities, CEU–San Pablo University, Madrid.– UNISCI Discussion Papers,–2008. – № 17.–P. 2–14; Post–soviet Islam: an anthropological perspective // Central Asian Survey. Vol. 25. 2006.

²⁶ Терлецкий Н. Знамя для моления (Символизм и функция туга в практике зийрата у народов Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб.: МАЭ РАН, 2009. – С.112–117.; Его же. К вопросу о типологии мест паломничества и поклонения Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб.: МАЭ РАН. 2009. – С. 381–383; Его же. Некоторые древние атрибуты мусульманских мест паломничества и поклонения (к вопросу о функциях и символизме туга). Центральная Азия: Традиция в условиях перемен // РАН. МАЭ им. Петра Великого. Вып. 2. – СПб. 2009.– С. 112–149.

²⁷ Абашин С. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. – № 2. – С.128–131; Соблазны культа святых (вместо предисловия) / Абашин С., Бобровников В // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М.: 2003. – С. 3–17.

²⁸ Саксонов Т. Паломничество к святым местам: традиция и современность. – М.: Луч, 1991. – С. 56; Сизранов А. Мусульманские святые места как объект этнокультурного наследия тюркских народов Нижнего Поволжья // Гуманитарные исследования. – 2011. – № 4 (40). – С. 38–44.

Зиёрат ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий хусусиятлари ҳақида сўз борганда, ташриф буюрувчиларнинг касбий, ижтимоий таркибига ҳам урғу берилди.

Тадқиқот давомида Жиззах воҳасидаги йирик зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг жинсий мансублиги таҳлили амалга оширилди. Натижада зиёратгоҳларда гендер муносабатларининг шаклланиши, аввало, зиёратгоҳнинг хусусияти билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

Воҳа аҳолисининг зиёратгоҳларга мавжуд маросимларни бажариш учун ташрифини қуйидаги уч кўринишда таснифлаш мақсадга мувофиқ деб топилди: 1) оила аъзолари ёки сулолаларнинг йил давомида амалга оширадиган анъанавий зиёратлари; 2) аҳолининг турли қатламлари томонидан айрим расм-русумларни бажариш учун муқаддас нарсалардан нажот истаб амалга ошириладиган зиёратлар; 3) маълум бир сабаб туфайли аҳолининг турли қатламлари ва жамоалари томонидан уюштириладиган зиёратлар.

Қадимдан зиёратгоҳлар кишилар кундалик турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётида руҳий мувозанатини сақлаш ва келажакка умид уйғотиш каби вазифаларни бажариши билан бир қаторда, инсонларнинг ниятларини амалга оширувчи восита ёки мадад берувчи куч сифатида қаралганлиги ойдинлашди.

Мазкур бобнинг *“Воҳа қадамжо ва зиёратгоҳларининг умумий таснифи”* деб номланган учинчи параграфида Жиззах воҳасидаги қадамжо ва зиёратгоҳларнинг умумий таснифи, уларнинг ўзига хослиги ва маҳаллий хусусиятлари ёритилди.

Жиззах воҳасига хос зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиш омилларига кўра, зиёратгоҳларнинг жойлашуви, ташриф буюрувчиларнинг сони, аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳамда зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг ижтимоий таркиби инобатга олинган ҳолда қуйидаги кўринишда таснифланди:

1) авлиёлар ва диний уламолар билан боғлиқ зиёратгоҳлар; 2) табиат мўъжизалари ва географик объектлар (муқаддас саналган ғорлар, тошлар, булоқлар ва дарахлар) билан боғлиқ зиёратгоҳлар; 3) ҳайвонларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёратгоҳлар; 4) маҳаллий, вилоят ва республика миқёсидаги зиёратгоҳлар; 5) маълум бир касб эгалари, аёллар ва ёшлар ташриф буюрадиган зиёратгоҳлар.

Воҳа зиёратгоҳларини маълум тизимга солиш асосида ўрганиш–уларга хос хусусиятларни тўлақонли очиб бериш ва бошқа ҳудудлардаги каби ўхшаш ҳамда локал томонларини кўрсатиш имконини берди.

Хуллас, тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, Жиззах воҳаси турли шаклдаги зиёратгоҳ ва қадамжоларга бой ҳудуд бўлиб, улар қадимдан воҳа аҳолиси томонидан асраб-авайлаб келинган. Зиёратгоҳларда кишилар аجدодлар анъанасини давом эттириш, шахсий ҳаётидаги муаммоларни бартараф этиш ва жамоавий тадбирлар сабабли турли кўринишдаги маросимлар ўтказиб келишган. Шунингдек, зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ маросимлар ўзида ҳудуд тарихи ва этнографиясини акс эттирган.

Диссертациянинг **“Воҳадаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар”** деб номланган иккинчи бобида зиёратгоҳларда

ўтказиладиган маросимлар, уларнинг ҳудудий, анъанавий ва замонавий жиҳатлари, ўзбек халқининг маънавий ҳаёти ҳамда миллий менталитетида зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг тутган ўрни ёритилган.

Ушбу бобнинг *“Зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларда қадимги диний эътиқодларнинг ўрни”* деб номланган биринчи параграфда Жиззах воҳаси аҳолиси дунёқарашида зиёратгоҳлар билан боғлиқ қадимий эътиқодий кўринишларни ҳудудда жойлашган муқаддас қадамжоларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларда, маросимларда бажариладиган айрим амалларда, зиёратгоҳлар билан боғлиқ табулар ҳамда айрим атрибутларни муқаддаслаштиришда кўриш мумкинлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур параграфда зиёратгоҳларда бажариладиган кўплаб расм-русумлар таҳлил қилиниб, бажариладиган удумларнинг кўпларини келиб чиқиши исломгача бўлган эътиқод ва қарашларни ўзида акс эттириб, архаик кўринишда бугунги кунга қадар етиб келган, деган хулосага келинди.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўладики, зиёратчиларнинг хатти-ҳаракатлари айрим қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб (тош ва ёғочларни тавоф қилиш, улар устида сирпаниш, ёғоч ёки дарахтларга мато бўлагини боғлаш, тошларни муқаддаслаштириш, улар атрофида афсунлар ўқиш кабиларда ибтидоий фетишизм, анимизм, магия (сеҳргарлик), ҳатто табиат ва аждодларга сиғиниш каби қадимий диний эътиқодларнинг излари мавжуд), улар маҳаллий халқлар турмуш тарзида бугунги кунда таъқиқланганлигига қарамай исломий қарашлар билан уйғунлашган ҳолда сақланиб қолган.

Иккинчи бобнинг *“Зиёратгоҳлардаги ислом дини билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар”* деб номланган иккинчи параграфда зиёратгоҳларда ўтказиладиган исломий (қурбонлик, ақиқа) ва исломий деб талқин қилинадиган (мушкулкушод, мавлуд ва чилла сақлаш) маросимлар ўрганилган.

Воҳадаги зиёратгоҳларда ўтказиладиган ислом дини билан боғлиқ ҳамда исломий деб талқин қилинадиган маросимлар ва расм-русумларни, уларнинг қоидаларини ўрганиш натижасида мазкур маросимлар ислом дини билан боғлиқ ҳолда ва халқона ислом анъаналари асосида шу билан бирга воҳа аҳолисининг асрлар давомида аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган қарашлар орқали шаклланганлиги аниқланди.

Воҳа аҳолисининг зиёратгоҳларда ўтказиладиган исломий маросимлари таҳлил қилинганда, аксариятида кўшни Самарқанд ёки Тошкент воҳаси урф-одатларига ўхшаш ёки такрорий жиҳатлар кўплиги, Жиззах вилоятининг ҳозирги ҳудуди тарихнинг турли даврларида ташкил топган давлатлар ва хонликлар (Сўғд, Уструшона, Бухоро ва Қўқон хонликлари) таркибида бўлганлиги билан изоҳланди. Аммо, маҳаллий ҳудуднинг географик хусусияти ва аҳоли дунёқарашида шаклланган миллий характер жиҳатидан зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда этноҳудудий фарқлар кўзга ташланди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфда *“Воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг локал хусусиятлари”* масаласи таҳлил

қилинган. Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ташкил этиладиган маросимларда умумўзбек маданиятига хос жиҳатлар билан бир қаторда, хусусий кўринишлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, қадамжоларда ўтказиладиган маросимлар ҳудудий хусусиятларига кўра, маросим турлари ва унинг ўтказилиш жараёни, уларга хос таомлар, маросимда ишлатиладиган предметлар каби қисмлардан иборатдир.

Тадқиқотда воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган *“Авлодлар учрашуви”* ва *“Пода қўшиши”* маросимларининг ташкил қилиниши, маросим учун ишлатиладиган турли предметларнинг сони, ранги ва уларнинг семантикаси, зиёратгоҳлар пайдо бўлиши билан боғлиқ афсона ва ривоятларнинг жамият ҳаётида бажарадиган функциясига кўра фарқланиши кузатилди. Шунингдек, маросимлардаги хусусий ҳолатлар минтақанинг табиий ҳолати билан бир қаторда, маҳаллий аҳолининг характери очиқ берувчи жараён эканлиги тасдиқланди.

Диссертациянинг **“Зиёратгоҳларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти”** деб номланган учинчи бобини *“Мустақиллик йилларида зиёратгоҳларни муҳофаза қилиш масаласи”* номли биринчи параграфда мустақиллик йилларида Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини асраш, тамирлаш, ободонлаштириш ва келажак авлодларга етказиш масаласи билан бир қаторда, воҳа зиёратгоҳларининг муҳофазаси уч қисмга (давлат томонидан муҳофаза қилиниши, аҳоли томонидан муҳофаза қилиниши ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар натижасида ўзини ўзи муҳофаза қилиши) бўлинган ҳолда ёритилди.

Жиззах вилояти ҳудудида 2017 йил 24 ноябрь ҳолатига кўра жами 372 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган²⁹ бўлиб, сўнгги йилларда вилоятда давлат муҳофазасига олинган маданий мерос объектларига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли зиёрат қилувчилар сони мунтазам ортиб бориши кузатилмоқда. Зиёрат қилувчилар орасида нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикалар фуқаролари ҳам кўпчиликти ташкил этиши аниқланди. Шунингдек, тадқиқот давомида зиёратгоҳлардаги таъмирлаш, ободонлаштириш, сайёҳларга зарур имкониятлар яратиш борасидаги ишлар ҳам муаммоли тарзда ўрганилди. Айниқса, зиёратгоҳларда зиёратчилар ва меҳмонлар учун шарт-шароитлар (ибодат учун қулайликлар, кутиш, хордиқ чиқариш жойлари, меҳмонхона ва ошхона кабилар)нинг етарли эмаслиги кўзга ташланади ва аксарият зиёратгоҳларнинг санитария-гигиена ва экологик ҳолати қониқарли эмаслиги кузатилди.

Воҳадаги Хўжа Боғбон ота, Ўснат ота, Новқа ота, Сайфин ота, Арчамозор ота, Ғубдун ота, Парпи ойм, Қоплон ота зиёратгоҳларида имкон даражасида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, ханузгача зиёратчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиб

²⁹ Эралиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон зиёратгоҳлари (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари). 4-китоб. – Тошкент: Тугон Zamin Ziyo, 2017. – Б.38.

берилмаган. Айрим зиёратгоҳлар одамларнинг шунчаки таом тайёрлаб, хордик чиқариш масканига айланиб қолганлиги аниқланди.

Тадқиқотда зиёратгоҳлардаги вазиятни яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича куйидаги таклиф ва мулоҳазалар берилди:

Биринчидан, воҳадаги аксарият зиёратгоҳларга олиб борувчи йўл тармоқлари, айниқса, автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларига вилоят ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар, шунингдек, Республика “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағларининг бир қисмини йўналтириш;

иккинчидан, зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларга йўл кўрсаткичларини ўрнатиш ва реклама панноларини жойлаштириш;

учинчидан, зиёратгоҳларда зиёратчилар ва меҳмонлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, қурилиш-ободонлаштириш ишларини назорат қилишда вилоят мусулмонлари идораси ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси фаолиятини кучайтириш лозим.

Учинчи бобнинг *“Жиззах воҳасида зиёрат мавсуми ва унинг иқтисодий имкониятлари”* деб номланган иккинчи параграфида зиёрат инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида юзага келиб, кишиларнинг диний қарашлари ҳамда миллий менталитети ҳамда анъанавий одоб-ахлоқ нормаларига асосланган ҳолда юзага келиши илмий-назарий жиҳатдан исботланди. Маълумки, зиёрат яхлит системага солинган жараён бўлиб, у ўзида инсонларнинг руҳий дунёсини мужассамлаштиради. Зиёратга бориш ва уни ташкил этилиши жараёнидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу жараён характер жиҳатидан куйидаги босқичларга бўлинади:

зиёратни амалга ошириш эҳтиёжининг пайдо бўлиши;

қадамжода бажариладиган амаллардан келиб чиқиб, зиёратчилар таркибини шакллантириш;

ўтказиладиган маросимлар учун керакли нарса-буюмларни ҳозирлаш;

назарда тутилган зиёратгоҳга ташриф буюриш.

Ушбу ҳолатларни умумлаштирувчи жиҳат–кишиларнинг қайси зиёратга ва нима мақсадда боришини белгилашдир. Юқоридаги сабаблар асосида зиёрат туризми шаклланиб, соҳага доир янги атамалар –“зиёрат мавсуми” ҳамда “зиёрат менежери” тушунчалари ҳам шаклланган. “Зиёрат менежер”лари томонидан мавсум чоғида қадамжоларга аҳолининг катта масштабда ташрифини ташкил этиш билан шуғулланиши тадқиқот давомида аниқланди. Зиёрат мавсуми тушунчаси ва амалиётининг юзага келиш сабаблари ҳудуднинг ички имкониятлари, бажариладиган маросимнинг характерли жиҳатлари (бино ичида ёки ташқарида бажарилиши фасл билан бевосита боғлиқ), зиёратгоҳнинг жойлашган ўрни ва ташриф буюрувчининг машғулот тури каби омиллар билан боғлиқ эканлиги ўз исботини топди. Жиззах воҳасида зиёрат мавсуми кун жиҳатидан чоршанба, шанба ва якшанба кунлари мақбул ҳисобланса, фасл жиҳатидан баҳорнинг охири, ёз ҳамда эрта куз ойларига тўғри келиши аниқланди.

Бу каби зиёрат мавсуми пайдо бўлишида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва машғулот туридан ташқари, Жиззах учун хос бўлган географик омил

